

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус  
таълим вазирлиги

Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги  
Андижон давлат университети  
Хорижий тиллар факультети

Инглиз тили ва адабиёти кафедраси 4-босқич  
406-гурӯҳ битирувчиси Хожиматова  
Машҳуранинг Инглиз тили ва адабиёти  
5141400-йўналиши бўйича бакалавр даражасини  
олиш учун

**“Инглиз ва ўзбек топишмоқларининг  
шакл ва мазмун жиҳатидан семантик  
стилистик таҳлили” мавзусидаги**

# **Битирув малакавий ИШИ**

**Илмий раҳбар: Гавҳарой Исроилжон қизи.**

**Андижон- 2014 й.**

Ушбу битирув малакавий иши Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети, хорижий тиллар факультети, инглиз тили ва адабиёти кафедрасининг 2013 йилдаги май ойининг 25 кунги № 8- сонли йиғилишида кўриб чиқилди ва химояга тавсия этишга руҳсат берилди.

Хорижий тиллар факультети декани:

\_\_\_\_\_ Ф.ф.н.доцент Б. Рахмонов

Инглиз тили ва адабиёти кафедраси мудири:

\_\_\_\_\_ Ф.ф.н.доцент М.А. Абдувалиев

Илмий раҳбар: \_\_\_\_\_ катта ўқитувчи Гавҳарой И.к.

Такризчилар: \_\_\_\_\_ АндМИ чет тиллар кафедраси катта ўқитувчиси Б. Исмоилов.

\_\_\_\_\_ АДУ, Инглиз тили фонетикаси ва лексикаси профессор С.Р.Рахимов

Мавзу: Инглиз ва ўзбек топишмоқларининг шакл ва мазмун жиҳатидан  
семантик стилистик таҳлили.

Режа:

Кириш

Биринчи боб. Инглиз ва Ўзбек топишмоқларининг ўрганилиш тарихи.

1.1. ўзбек тилидаги топишмоқлар таркиби ва улардаги мазмун ва шакл талқини

1.2. Инглиз топишмоқларининг лингво прагматик таҳлили.

1.3. инглиз ва ўзбек тилларидаги тарихий топишмоқлар таҳлили (чистон ҳақида)

Иккинчи боб. Инглиз ва ўзбек топишмоқларини ўхшаш ва ноўхшаш томонлари таҳлили.

2.1. инглиз ва ўзбек топишмоқларини ўхшаш ва ноўхшашлиги таҳлили, мавзулар муштараклиги.

2.2. Инглиз ва ўзбек топишмоқлари таржимасига доир.

2.3. Инглиз ва ўзбек топишмоқларини ўқитишга доир методик тавсиялар.

Хулоса.

Фойдаланилган илмий ва бадиий адабиётлар рўйҳати.

## МУНДАРИЖА:

Кириш.....	5
Биринчи боб. Инглиз ва Ўзбек топишмоқларининг ўрганилиш тарихи.	
1.1. ўзбек тилидаги топишмоқлар таркиби ва улардаги мазмун ва шакл талқини.....	20
1.2. Инглиз топишмоқларининг лингво прагматик таҳлили.....	
1.3. инглиз ва ўзбек тилларидаги тарихий топишмоқлар таҳлили (чистон ҳақида).....	41
Иккинчи боб. Инглиз ва ўзбек топишмоқларини ўхшаш ва ноўхшаш томонлари таҳлили.....	53
2.1. инглиз ва ўзбек топишмоқларини ўхшаш ва ноўхшашлиги таҳлили, мавзулар муштараклиги.....	56
2.2. Инглиз ва ўзбек топишмоқлари таржимасига доир.....	68
2.3. Инглиз ва ўзбек топишмоқларини ўқитишга доир методик тавсиялар.....	78
Хулоса. ....	85
Фойдаланилган илмий ва бадиий адабиётлар рўйхати.....	87

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетига эришгани, шу туфайли ватанимизда чуқур ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар рўй бергани, дунё миқёсида давлатимиз обрўсининг ошиши ва республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши тил ва жамият ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатидан ва моҳияттан янгилаб берди. Фуқароларимизни, айниқса, ёш авлодни чет тилларга ўқитиш мамлакатимизда давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим масалага айланди. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Ҳозирги пайтда хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишга юртимизда катта аҳамият берилмоқда. Бу ҳам, албатта, бежиз эмас. Бугун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун, чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда ўз буюк келажагини қураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукамал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир”. [2.34.]. Президентимиз хорижий тилларни ўқитишнинг замонавий методикасини яратиш зарурлигини уқтириб, шундай дейди: “Мамлақатиимзда хорижий тилларнинг миллий асосдаги жадаллаштирилган методикасини тайёрлашни тезлаштиришимиз керак”. [1.37.] Бундай шароитларда ўзбек тили ва чет тилларини жадал ва сифатли ўрганишнинг пухта ва самарали методикасини яратишнинг она тилимиз бўлган ўзбек тилини ва инглиз, немис, француз, рус, араб тиллари каби хорижий тиллар билан сифатли ва системали қиёслаб ўрганишсиз тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Бундай қиёсий таҳлиллар бевосита лингводидактика ва амалий таржима, қолаверса, назарий билимлар, жумладан, назарий тилшунослик соҳаларига ҳам алоқадордир.

Бугунги кунда Республикамизда ижтимоий-сиёсий, илмий-техникавий ва маданий вазият расмий давлат тили мақомига эга бўлган ўзбек тилини бошқа

замонавий, дунёвий хорижий тиллар билан қиёсий - типологик жиҳатдан системали ўрганишни тақозо этади.

Тилшунос олимларнинг кейинги ўн йилликларда қиёсий методга асосланган илмий тадқиқотларга катта эътибор қаратаётганликлари алоҳида аҳамият касб этади, қолаверса, замонавий тилшунослик фанида қиёсий, характерологик ва типологик йўналишлар ўзининг ривожланиш кўламига кўра турдош лингвистик йўналишлардан устиворлиги билан ажралиб туради.

Мамлакатимизда 2014 йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши барчамизнинг зиммамизга қандай улкан маъсулиятлар юклаши, бу борада тайёрланган умумдавлат дастурини ҳаётга тақдим этиш биздан қанча куч ва маблағлар талаб қилиши ҳақида ҳар биримиз яхши биламиз, назаримда, таълим ва медицина соҳасининг мамлакатимизнинг модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган зиёлилар синфини, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Ҳозирги кунда 2011-2015 йилларда олий ўқув юртларини ривожлантириш дастури тайёрланмоқда ва ушбу ҳужжатларни яқин вақт ичида қабул қилиш назарда тутилмоқда. Дастурдан кўзда тутилган асосий мақсад- олий таълим муассасаларининг моддий техник базасинини янада такомиллаштириш, мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув лаборатория ва илмий ускуналар билан жиҳозлаш пировардида ўқув дастурларини такомиллаштириш, тобора кучайиб бораётган замон талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлашда сифат жиҳатидан янгича ёндошувлари ҳаётга тадбиқ этишдан иборатдир. Мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ва ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва ҳусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чора тадбирларни амалга ошириш зарур. Шу муносабат билан тадбиркорлик фаолияти муҳитининг қандайҳолатда экани, бунинг учун зарур шарт-

шароитларни яратиш ва бу фаолиятнинг амалдаги ривожланиш суръатларини барча даражадаги ҳокимлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонига айланиши даркор. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кредитлар, ҳом-ашё ресурслари, шунингдек, давлат ҳаридлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарур.

Ўқув жараёнига кенг форматли коммуникация тармоқлари ва интернет технологияларини жорий қилиш мақсадида, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда “Электрон таълим” миллий тармоғини барпо этишни ниҳоясига етказиш зарурлигини ҳамда ўқув юртларини кейинчалик эса, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлариниягона компьютер ахборот тармоғига улашни таъминлаш вазифаси юклатилади.

2015 йилгача мамлакатимизнинг барча ҳудудларида рақамли телевидениега ўтишни таъминлаш бўйича комплекс дастурнинг амалга оширилишининг биз учун алоҳида аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Маълумки, биз замонавий кенг форматли ва оптик технологияларни жорий этиш асосида телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилиш, 950 километрдан иборат ёки ундан ортиқ оптик толали алоқа тармоғини фойдаланишга топшириш, вилоятлар марказларига маълумотлар узатишнинг транспорт тармоғини кенгайтиришни таъминлаш вазифаси қўйилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов Олий мажлисининг 9 сессиясида кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури ва бутун таълим тизимининг ислоҳати ҳақида “Ҳаётимизнинг хал этувчи муҳим масалалар қаторида таълим тарбия тизимини тубдан ўзгартириш уни янги замон руҳида ва талаби даражасига кўтариш баркамол авлодимизнинг келажагига даҳлдор қонун лойиҳалари ҳам бор”-деган эди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури етилиб чиқаётган кадрларни сифатини, малакасини оширишда жуда катта маъно,

буюк вазифалар беради. Мақсад ва вазифалар стратегиясидан тортиб то таълим тарбия жараёнининг барча турларига оид аниқ дастурлар натижасига ҳар бир негизида инсон асосий омил ҳисобланади. Кадрлар тайёрлашда шахс бош субъект сифатида кўрилади, у бир вақтнинг ўзида таълимий хизматларнинг ҳам истеъмолчиси ҳам яратувчиси ҳисобланади. Бинобарин, таълим тарбия тизимини ўзгартириб бўлмайди, “Онгни тафаккурни ўзгартирмасдан туриб биз кўзлаган олий мақсад-озод ва обод жамиятни барпо қилиб бўлмайди”-деган эди мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов. ҳаммага маълумки, истиқлол шарофати туфайли, олийжанов анъаналар қайтадан тикланди ва ривожланди. Бу шубҳасиз ота-оналар ва мустақил буюк келажак сари интилаётган давлатимиз фарзандлари ёшлар зиммасига жуда катта вазифалар юклайди. Мана шунинг учун ҳам бугунги кунда ҳукуматимиз кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Кадрлар тайёрлаш масаласига юртбошимизнинг қанчалик катта аҳамият бераётганлиги унинг қуйидаги гапларидан тўла тушиниш мумкин. “Биз олдимизга қандай вазифалар қўймайлик, қандай муаммоларни ечиш зарурати туғилмасин ҳар охир-оқибат барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажакимиз, мамлакатимиз келажакги ўрнимизга тенг келишга ёки бошқачароқ қилиб айтганда, қандай кадр тайёрлашга боғлиқ” [1.24.]

Мустақил республикаимизда фан тараққиётига ва илмий тадқиқот ишларини олиб боришга катта эътибор берилмоқда. Чунки, фан соҳалирида ҳар томонлама ютуғларга эришилмаса, давлатнинг келажакги бўлмайди. Шунини эътиборга олиб Республикаимизда илмий тадқиқот ишларини кўламини кенгайтиришни, ана шу тадқиқотлар ҳаётнинг турли жабҳаларида тадбиқ қилиш борасида катта ишлар олиб борилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги олиб бораётган ишларнинг аҳамияти катта. Олий ўқув юртини битираётган ҳар бир битирувчи талаба бирор мавзу олиб шу мавзу бўйича изланиш олиб бориши

ва уни ҳимоя қилиши керак. Шунинг учун ёш кадрлар орасида илмий изланишлар олиб боришга қизиқиш кучайиб бормоқда. Хусусан, чет тилларни ўргатишга ва тажимашуносликка бағишланган илмий ишлар алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ижодкор халқ бадий сўзнинг ёш авлод тарбиясидаги куч ва жозибасига қадим замонлардаёқ ишонган. У ўзининг энг ноёб асосларини сўз мўжизаси билан бунёдга келтирган. Бадий сўз – халқнинг барча маданий бойликларини абадийлаштирган. Ҳали ёзувни нималигини билмаган вақтларда ҳам одамлар ўйин-кулгини, сурат чизишни биларди.

Халқимиз бағридан ажойиб истеъдод соҳиблари: мутриблар ва наққошлар, ровийлар ва сангторошлар етишиб чиққан. Анна шундай олис тарихнинг излари акс-садолари хира бўлсада, халқ термалари ва дostonларида, болалар ўйинларида сақланиб қолган. Мақол ва маталлар, эртак ва афсоналар умуман шу жанрларда, халқнинг ақл-заковати, оразу хонаси, руҳи ва иродаси сингдирилган. Буларнинг ҳаммасидан болани ақлий ва жисмоний жиҳатдан соғлом қилиб ўстиришди самарали фойдаланилган.

Болалар фольклори болаларда, энг яхши инсоний фазилатларни – ватанпарварлик, меҳнатга муҳаббат, кишиларга ишонч, дўстларга садоқат туйғуларини тарбиялаб комил шахс тимсолини номоён бўлишида жуда катта кўламдаги ишни бажаради. Турган гап, бу омилларнинг барчасини болалар кайфиятини, дидини, ҳарактерини билмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Шу боис ҳам у характерини муносиб равишда тарбиялаш энг муҳим вазифа саналадики, бу келгуси авлод маънавий қиёфасининг нечоғлик, етуклик даражасини касб этишини белгилаб беради. Шунинг учун айтиш мумкинки, болалар фольклори бола учун илк тарбия дарслиги, маънавий бойликларининг битмас туганмас манбайидир. Болага атаб яратилган оғзаки Поезия халқнинг минг йиллар мобайнида ёш авлодни тарбиялашда хизмат қилиб келган буюк педогогик мезондир. Ўзбек болалар фольклорини тўплашни ташкил қилиш, уни ситемасига солишда профессор

Ҳоди Зарифнинг алоҳида ўрни бор. “Ўзбек Фольклори” китобида, юзаки қараганда, болалар фольклорига, ўз ўрин берилган. Аслида эса улар кўп йиллар мобайнида Хоразмдан Намангангача, Тошкентдан Деновгача экспедиция тўғрисида шаҳарма – шаҳар, қишлоқма-қишлоқ юриб тўпланган бой болалар фольклори материаллар ишидан сақлаб олинган намуналар эди.

Иккала ўзбек фольклори хрестоматсиясининг дунёга келиши фольклорнинг деярли ҳамма жанрларида илмий тадқиқот ишлари бошлаб юборилишига катта туртки бўлди. 20-30 йиллардаёқ, ўзбек болалари фольклорини ёзиб олиш ва илмий нуқтаи назардан ўрганишига катта имкониятлар эшиги очилган эди.

Умумий фольклорининг таркибий қисми бўлган болалар фольклори ҳам турмуш воқелигини сўз, мусиқа, шунингдек, драматик ижро шаклларида бадиий инекози, меҳнаткаш халқ дунёқарашини маиший ҳаёт билан боғлиқ ҳолда ўзида акс эттирган коллектив халқ ижодидир. Болалар фольклоридидаги дидактик-эстетик хусусиятлар кўйма ҳолда бир бутунни ташкил этади. У санъатнинг турли-туман айрим элементларидан таркиб топган ўз ижроси билан томошабинлар, эшитиши ва кўриши билан тақозо қилган мураккаб бинлар эшитиши ва кўришини тақозо қилган мураккаб оғзаки бадиий санъатдир. У ёзув адабиётдан айнан шу белгилари орқали фарқ қилади. Фольклор асарнинг “оғзакилиги” фақат унинг тарқалиши учунгина эмас, балки табиий эсталик котигория эканлигидан келиб чиқади. Фольклор умумхалқ санъатнинг турларидан биридир. Бинобарин, у доимий равишда турли санъатлар тасирига учраб туради. Хусусан у адабиёт, мусиқа тасири натижасида ўз шаклини услубини ўзгартириб репертуари бўлиб, мазмунан теранлашиб боради. Умумий халқ ижодидаги бу қонуниятлар ўйин ва қўшиқларга ҳам хос жиҳатдир.

Маълумки умум классификация фольклор соҳасидаги ҳозирги замон билимларининг умумлашмасидир. Айни вақтда классификация – бу хонаки бир схема, унга ҳар қанча аниқлик киргизавериш мумкин. Ахир у маълум бир

халқ фольклорининг турли тарихий даврлардаги тараққиёт даражасини, бу йўлга амалга оширилган ишларнинг бошланишини билдиради. Умумий классификация биринчидан ўрганилаётган материялининг тур ва хилларини, уларга хос белгиларини аниқлайди, иккинчидан, шу белгилардан ташкил топадиган фольклор турлари ва элементлари орасидаги ўзаро нисбатни белгилаш билан уларни структурасини юзага келтиради, учунчидан оддий ва мураккаб, биринчи даражали ва иккинчи даражали формулаларни ажратиб ўрганилаётган материалнинг тарихий тадрижини тушунишга ёрдан беради. Зеро фольклор асарларни тур ва гуруҳларга бўлиш билангина уларнинг жанр бўйича классификациясини аниқлашларда юзага келган, воқеликни акс эттиришда ва унга халқ оммасининг муносабатларини белгилашда нисбатан терғрун форма ҳисобланиши этиборга молийдир.

Мазкур ишимизнинг мақсади ҳам ўзбек ва инглиз тили болалар фольклорининг жанр сифатидаги чегараларини аниқлаш, бадий форма масалалари, уларнинг ижтимоий - сиёсий функциялари бирлигидан келиб чиқадиган хулосаларни тўғри белгилаш масалаларини аниқлашдир.

Инглиз – ўзбек болалар фольклорида терминалогия масаласи муҳим аҳамиятга эгадир. Терминларни турли тадқиқотчилар ишида ҳам, турли халқларда ҳам турлича бўлиши табиий. Бу ишда халқ оғзида юрган номлар, тарифлар илмий – назарий нуқтаи назардан эмас, балки кундалик ҳаётдаги маросимлардан, анъаналар важдан айтилиши одат бўлиб қолганини унутиш нотўғри бўлади. Модамики, шундай экан, биз ишлатган терминалларнинг турмушида амалий ишботини топишини кузатишда давом этамиз. Бинобарин, шу йўл билан кўзланган мақсад томон яқинлашиш мумкин бўлди. Яна бир диққатга лойиқ томони инглиз тилидаги санок ўйинлари аллақачон фольклор таркибидан чиқиб педагогик интерфаол методлар ва роли дидактин ўйинлар каторига ўтиб улгурганлиги ишимизнинг энг фарқли жиҳатларидан десак янглишмаймиз.

Биз юқорида имкон қадар ўзбек болалар фольклоршунослигининг муҳим қирралари ҳақида тўхталишга ҳаракат қилдик. Шунингдек, ишимизнинг яна бир ахамиятли бўғини бу инглизча санок ўйинларни тадқиқ этиш, уларни ўзбек тилидаги санамалар билан ўхшаш ва ноўхшаш томонларини амалий ва назарий ёритиб беришдир. Инглиз тилидаги санаш ўйинларига эътибор қаратар эканмиз, дарҳақиқат бу ерда фольклор элементларини учратиш бир оз мушкул иш. Сабаби, қатор Европа мамалакатлари сингари Англияда ҳам фольклорга нисбатан биз тасаввур қилгандан кўра анча торроқ доирада тушуниш урф бўлган. Кузатишларимиз шуни тасдиқламоқдаки, фольклор Европада кўпроқ халқ амалий санъатини ифодалайди. Албатта, бу бизнинг назаримизда анчайин ихчамлашган таасурот уйғотади. Бироқ ҳақиқатда ҳам шундай. Дарвоқе, кўп соҳалар каби маориф ва педагогиканинг прагматикалашуви натижасида халқ ўйинлари жумладан, топишмоқлар ҳам мактабгача таълим муассасаларида ўқув жараёнининг бир қисми сифатида намоён бўлади.

Инглиз тилида топишмоқ ўзининг ихчамлиги ва шўх ўйноқлиги билан ўзбек топишмоқлари билан қандайдир умумийлик ҳосил қилади. Шунинг эътиборга олган ҳолда, инглиз тилига ўқитишнинг илк босқичларида, яъни мактабгача таълим масканлари бошланғич, синф ўқувчилари учун қўллаш анча фойдалидир. Худди ўзбек тилида бўлгани каби инглиз топишмоқлар ҳам, болаларга тезда манзур бўлиши шубҳасиздир. Чунки, топишмоқлар барибир у қайси тилда бўлмасин моҳиятан бола дилига яқиндир. Умумийликдан хусусийликка томон юзланадиган бўлсак, бунда кўп ўзига хосликларга дуч келамиз. Айнан инглиз топишмоқлари учун таалуқли жиҳатлардан асосийлари ишимизнинг II бобида батафсил тўхталиб ўтамиз. Лекин шундай бўлса ҳам, баъзи ўта фарқли томонларни шу ернинг ўзида имкон қадар ёритишга ҳаракат қиламиз. Инглизча топишмоқлар тузилиши жиҳатдан анча содда ва тушинарли. Бу жиҳатдан ўзбек топишмоқлари бир оз мураккаброқ. Қолаверса, қофияланиш усули ранг тизимида ҳам инглизча

топишмоқларида тафовутлар сезилади. Масалан, айтайлик, қофия учун олинган сўзлар аксар ҳолда фақат рақамдагина иборат бўлиши инглиз топишмоқларида шартли ҳисобланса, ўзбекча топишмоқларида бундай маҳдудлик, чегараланганликни кузатмаймиз. Бу хусусиятлар икки тилдаги топишмоқларнинг илмий томондан фарқланиши эди.

Амалий томондан қаралса, топишмоқ шартли унинг топувчилари каби масалаларда унча катта ўзгаришлар кўзга ташланмайди. Муҳими энди-энди ҳорижий тил саналган инглиз тилини ўргана бошлаган ёш болакайлар учун бу топишмоқлар олам-олам завқ улашиши, уларда иштиёқ ва ҳаваснинг муҳим туртки бўлиши такидламоқчи бўлганимиз, болалар фольклорининг энг ажиб муштарак жиҳатларидандир. Ёд олишга қулай мухтасарлиги, хотира ва зеҳни чархларини ратсионаллиги, қолаверса бадий-эстетик гўзаллиги топишмоқларини инглиз тилини ўқитишда қўлланилишини нечоғлик аҳамиятли ҳодиса эканидан далолат этади. Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг таълимга берилган юксак эътибор, “Кадрлар тайёрлаш” миллий дастурининг қабул қилиниши ва хусусан унда мухтарам юртбошимиз томонидан ёш авлоднинг ҳорижий тилларни мукамал ва пухта ўзлаштириши алоҳида эътиборга олиниши ҳам бизни бу ишга қўл уришимизга сабаб бўлди десак муболаға ишлатмаган бўламиз.

“Ҳозирги пайтда ҳорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишга юртимизда ката аҳамият берилмоқда. Бу ҳам албатта бежиз эмас. Кечаги тарихимизда бизнинг ғарб тилларини ўрганишимизда она тилимизга эмас, асосан, рус тили воситачи бўлиб келади. Шунинг ҳисобига ҳозиргача, мисол учун, инглизча-ўзбекча ва ўзбекча-инглизча луғатлар деярли йўқ.

Бундай заиф, ноўрин ҳолатларни тезда ўзгартириш, ўзбек боласига чет тилларининг ажиб дунёсига бемалол кириш учун имкониятларни тўлиқ очиб беришимиз даркор. Мамлакатимизда ҳорижий тилларни ўрганишнинг миллий асосдаги жадаллаштирилган методикасини тайёрлашни жадаллаштиришимиз керак”. [4.34.]

Мазкур, мақсадни амалда тўғри ҳал этиш бизнинг асосий муқаддимасидир. Зотан, келажак авлод ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб етишишда ана шу ғоя ва фикрларнинг ўрни беқиёсдир. Умуман ҳорижий тилларни муқаммал ва пухта ўзлаштиришга қаратилган чора тадбирларнинг амалий мисоли тариқасида тадқиқ этмоқчи бўлганмиз. Ушбу мавзу юқорида ўта долзарб масалани тўғри ёритишда муҳим қўлланма бўлган деган умиддамиз. Такидлаш лозимки мазкур ишга қўл уришдан аввал биз кўплаб илмий материалларга, хусусан, ўзбек болалар фольклоршунослигига оид манбаларга, инглизча санаш ўйинлар мажмуасига ва бошқа қатор илмий-услубий адабиётларга муқожаат этиб, улардан энг мақбулларини бу иш учун фойдаланишда танлаб олдик. Агар бир оз нуқсонлик ва нуқсонлар ишимиздан содир бўлган бўлса, олдиндан узр сўраб ўтамиз. Чунки, илгари бу ҳақда бирор тажрибага эга бўлинмагани шунингдек, ушбу мавзунинг илмий жиҳатдан янгилигини инобатга олсак, албатта, қайдадир нуқтада янгилиги ёки хатолик бўлиши табиий бир ҳол. Фақат мамнуният билан шуни айтишимиз бизга бу борада анча сабоқ мактабини ўтади.

Шундай қилиб, хорижий тилларни ўқитишнинг янги замонавий методикаси ўзининг шакл – шамойили ва мазмуннинг моҳияти билан ўқув муассасаларида хорижий тил ва адабиётни жаҳон андозалари талабларига мос келувчи усуллар асосида ўқитилишини тақоза этади, қолаверса, бундай методика тегишли фанлар бўйича замонавий дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг яратилишини, ўқув жараёнининг замонавий педагогик технологиялар ва замонавий ахборот воситалари билан тўлиқ таъминланишини, уларнинг мунтазам ва самарали қўлланилишини, шу жумладан ўқув жараёнини илмий – услубий асосда ташкил этиш, бошқариш ва эгалланаётган малака ва кўникмаларни мунтазам назорат қилиш ҳамда уларни оқилона, ҳолис баҳолашни ҳам талаб этади.

Бугунги кунда республикамизнинг барча профессор – ўқитувчилари, педагог – методистлари ва тилшунос – олимларининг асосий вазифаси хорижий

тиллер ва адабиётини ўқитишнинг миллий хусусиятларимизга асосланган янги методикасини яратишдек масъулиятли ишда айнан шу соҳа ихтисослиги доирасида тавсия этилган ҳар бир фан бўйича замонавий дарсликлар, ўқув қўлланмалари, техник воситалар ва кўргазмали қуроллар мажмуасини яратишда бир ёқадан бош чиқариб, жонбозлик кўрсатиш ва ҳамкорлик қилишдан иборатдир.

Ҳаётимизни мусиқасиз, рақсиз тасаввур этолмаймиз. Тўйларимизда, кечаларимизда, байрамларимизда - улар асосий ўринни эгаллайди. Мусиқа, рақс, ўйин, театр, тасвирий ва амалий санъат, халқ санъатининг бошқа турлари, халқ бадиий фаолиятининг таркибий қисми бўлмиш - халқ оғзаки поэтик ижоди, *ўзига* хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Халқ томонидан оғзаки яратилиб, халқнинг талантли вақиллари ижросида сайқал топиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бадиий асарлар ўзбек халқ поэтик ижодини ташкил этади.

Оғзаки сўз санъати «фольклор» ёки «халқ оғзаки поэтик ижоди» терминлари билан ифодаланади. «Фольклор» термини биринчи марта XIX аср тадқиқодчиси Уильям Томас томонидан 1864 йилда қўлланган бўлиб, у икки сўздан иборат: «фольк (folk) - халқ, «лор» (lore)- билим, донолик, донишмандлик, яъни, «халқ билими», «халқдонишмандлиги» демакдир. [7.34 ст.]

«Фольклор» - халқаро термин. Лекин у турли мамлакатларда турлича қўлланади. Масалан, Англия ва АКШда халқ бадиий фаолиятининг барча тури (поэтик ижод, музика, рақс, ўйин, театр, тасвирий ва амалий санъат), шунингдек, ирим-сирим, ишонч-эътиқод ва урф-одатлар шу термин билан аталади. Бизда эса «фольклор» деганда, асосан халқ поэтик ижоди тушунилади. Халқ санъатининг бошқа турлари, масалан, музика учун «музика фольклори» термини қўлланилади.[12. 67ст.]

Бадиий адабиётда бўлганидек, фольклор асарлари ҳам тузилиши ва гоёвий бадиий хусусиятларига кўра, ўзаро ўхшаш ҳамда фарқли томонларга

эга бўлиб, муайян гуруҳларни ташқил этадилар. Бундай фарқли ва ўхшаш томонларни кўрсатиш учун фанда адабий турлар ва жанрлар ҳаётни бадий тасвирлаш шакли сифатида тарихан шаклланган бўлиб, уларнинг пайдо бўлиши, тараққиёти, ўрин алмашиши ва инқирози адабиёт ва фольклор тарихида етакчи жараён ҳисобланади.

Адабиётда тур ниҳоятда кенг тушунча бўлиб, ўз ичига турли жанрларни қамраб олади. Қадимги грек файласуфи Аристотель (384-322), немис олими Гегель (1770-1831), рус адабиётшуноси В. Г. Белинский (1811-1848) каби олимлар адабиётни уч турга бўлиб кўрсатадилар. Булар: эпос, лирика, драма, пьеса воқеликни сюжетли, хикоявий формада акс эттирса, лирика инсоннинг воқеаликдан олган тассуротларини, ички ҳис-ҳаёжонларини тасвирлайди. Драма эса персонажлар нутқи ва ҳаракати орқали ҳаёт картиналарини чизади.

Бундай бўлинишни муайян истиснолар билан фольклорда ҳам қўллаш мумкин. Гап шундаки, фольклор жанрларининг айримлари турли урф-одат ва маросимлар билан боғлиқ бўлса, баъзилари эса, куйлаш учун мулжалланган бўлади. Бинобарин, унинг айрим намуналарини юқоридаги уч турнинг биттасига ҳам киритиш мумкин эмас. Мана шу ҳолатларни ҳисобга олиб, ўзбек фольклори жанрларини қуйидагича классификация қилиш мумкин. Ўзбек фольклори асарлари аввало икки катта гуруҳга бўлинади:

1. Урф-одат ва мавсум-маросимлар билан боғлиқ асарлар.
2. Турли урф-одат ва маросимлар билан боғлиқ бўлмаган фольклор жанрлари.

Биринчи гуруҳга:

А) меҳнат кўшиқлари (хўп-майда, турей-турей, чурей-чурей, хуш-хуш ва бошқалар)

Б) мавсум кўшиқлари

В) маросим кўшиқлари (туғилиш, тўй, аъза ва бошқалар)

Г) олқиш, афсун ва қарғишлар

Д) айтимлар киради

Иккинчи турга:

А) эпик (достон, эртак, афсона, ривоят, лоф, латифа)

Б) лирик (қўшиқ, ашула, терма)

В) драматик (аския, оғзаки драма)

Г) кичик (мақол, топишмоқ) жанрларни ўз ичига олади.

Ҳар бир жанр ўз навбатида яна ички турларга бўлинади. Масалан, топишмоқлар савол-жовоб, чистон шаклларида бўлиниши мумкин.

Фольклор жанрлари ўртасидаги фарқларга қарамай, улар тарихан таркиб топган яхлит тизимдир. Бу тизимлар орасида топишмоқлар ҳам ўз ўрнига эга Шу йўсинда, топишмоқлар тўғрисидаги бироз маълумот ёзиб ўтмоқчимиз.

### **Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги ва илмий янгилиги:**

Ушбу мавзу адабиётшуносликнинг долзарб мавзуларидан саналиб, тўла таҳлил қилинганича йўқ. Биз ушбу мавзунинг ёритишда Инглиз ва ўзбек адабиётидаги топишмоқ жанри ва унинг таржималари ва улардаги ўхшаш ҳамда ноўхшаш томонларини таҳлилини келтирмоқчимиз ҳамда таснифламоқчимиз.

### **Битирув малакавий иши мавзусининг мақсади ва вазифаси:**

Инглиз адабиёти насрий асарларида ва шеърларида замонавийликни ўрганиш жараёнида қўлга киритилган янги маълумотларни жамлаб, илмий хулосалаш, ғоя, образ ва тасвир ифодасини адибларнинг ёзувчилик маҳоратини очиқ бериш ишнинг асосий мақсад ва вазифаларига киради. Буни амалга ошириш учун қуйидагилар амалга оширилди:

- Илмий, адабий манбалар асосида мавзунинг ўрганиш;
- Инглиз ва ўзбек тилида санама жанри ёки санаши ўйинларининг таҳлини қилишдан иборат.

**Битирув малакавий иши мавзусининг объекти ва предмети:** Инглиз ва ўзбек адабиётидаги топишмоқ жанри ва у ҳақидаги келтирилган манбалар ҳамда уларнинг таржималари, дарсликлар ва интернет хабарлари ишнинг объектини ташкил этади.

**Битирув малакавий иши мавзусининг методи:** қиёсий, чоғиштирама ва таҳлилий методдан иборат.

**Битирув малакавий иши мавзусининг илмий ва назарий аҳамияти:**

Мазкур битирув малакавий иши инглиз ва ўзбек тилларидаги топишмоқларини таҳлил қилиш ва таржима қилиш масалаларига алоқадор айрим маълумотларни ўзбек тилида бера олган ва шу билан бирга ёзувчи ҳаёти ва ижодига оид у ёки бу ўринларни тўлдиради. У кейинчалик ёзиладиган битирув малакавий ишларга ва бошқа турдаги ишларга манба сифатида хизмат қила олади. Бундан ташқари мазкур битирув малакавий иши таълимнинг турли босқичлари учун ўқув қўлланма вазифасини бажариши мумкин. Битирув малакавий иши натижаларидан инглиз адабиёти тарихига оид тадқиқотлар яратишда ва таълим тизимининг бошқа мақсадларида фойдаланишни тавсия қилиш мумкин.

**Битирув малакавий иши мавзусининг тузилиши:** Иш кириш, 2 боб, хулоса ва фойдаланилган илмий ва бадиий адабиётлар рўйхатидан иборат. Кириш қисмида мамлакатимиз президенти И.А.Каримовнинг инглиз тилини ўрганишга ва ёшларни билим олишларига яратилаётган шароитлар ҳақидаги нутқларидан келтирдик ва олдимизга ушбу мавзунинг ёритиш учун аниқ режаларни қўйдик. Биринчи бобда ўзбек ва инглиз тилларидаги топишмоқ жанри бадиати ҳамда болалар фольклори ҳақида ёритдик. Иккинчи бобда эса ўзбек ва инглиз тилидаги топишмоқларини дарс жараёнида қўллаш ва уларнинг оғзаки нутқни ўстиришдаги лингводидактик хусусиятларини таҳлилини ҳада таржималардан намуналарни бердик. Ўқитишга доир методик тавсияларни ҳам тавсия этдик. Ишнинг якунида қилинган

ишларнинг натижасини хулосалаб, фойдаланилган илмий ва бадий адабиётлар рўйхатини келтирдик.

**БИРИНЧИ БОБ.**  
**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТОПИШМОҚЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ**  
**ТАРИХИ.**  
**1.1. ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ТОПИШМОҚЛАР ТАРКИБИ ВА УЛАРДАГИ**  
**МАЗМУН ВА ШАКЛ ТАЛҚИНИ**

“Топишмоқ” сўзи «топ» буйруқ феълига «иш-моқ» ясовчилар кўшилиши билан чигал, мураккаб, белги-хусусияти яширин берилган бирор номаълум нарсани топиш мазмунини ифодалайдиган ясама отга айланган. Халқ орасида топишмоқ, жумбоқ, баъзан матал, топар, чўпчак каби терминлар юритилиб келинган топишмоқ жанри ўзбек фольклорида қадим замонлардан ҳозиргача яшаб келмоқда ва ривожланмоқда.

Узоқ ўтмиш даврларда топишмоқ инсонни ўраб олган муҳит ва табиатнинг турли-туман ҳодисалари ҳақидаги тушунчаларининг бадий ифодаси сифатида майдонга келган. Тоғ ва ўрмонлар, дарё ва кўллар, чўлу - биёбон, ер ва осмон, қуёш ва ой, юлдуз ва фасллар, чақмоқ ва момақалдирик, ҳайвонот олами, оила-рўзғор жиҳозлари, дов-дарахт, меҳнат қуроллари ва бошқалар ҳақида жамоа ижодининг маҳсули бўлиб тўқилган топишмоқлар авлоддан-авлодга ўтиб, катта ва кичикка ҳаёт, табиат сирлари ҳақида ўйлашни, билишни ўргатиб келганлиги билан аҳамиятлидир.

Табиат ва жамият ҳодисалари кишилар олдига кўп мураккаб жумбоқлар, муаммолар қўйган. Инсоннинг ўша масалаларни топиши, сирли бўлиб кўринган нарсаларнинг туб, ҳақиқий моҳиятини очиши учун ақл-идрок ва ўткир дид талаб қилинган.

Табиатнинг сирли ҳодисалари инсон тақдирини тахминий фаразлар, фолбинлик, астрология каби оғзаки ижоднинг ғайри илмий шакллари ҳам майдонга келтирган. Топишмоқлар бўлса, халқ оғзаки ижодида эшитувчилардан онгли равишда яширилган, беркитилган нарса, ҳодисаларнинг асосий мазмунини топиш ечишнинг ўзига хос поэтик формасидир. Шунинг учун топишмоқни эшитувчилар уни табиат ёки турмуш

сири деб эмас, яширилган муайян, аниқ бир нарса деб биладилар, шундай тушунадилар.

Кўп асрлик халқ донишмандлигининг дурдоналари-топишмоқ инсон идроки кузатувчанлиги, поэтик тасаввур қобилиятини ўстирувчи ақлнинг кувноқ ўйини, маънавий дам олиш воситасигина бўлиб қолмай ажоддаримизнинг руҳий олами, тарихий ўтмишини билишга калит вазифасини ҳам ўтайди. Улар тарихий маданиятнинг бебаҳо ҳужжатларидир. Ушбу муносабат билан А. Н. Толстой шундай деб ёзган эди: “Оғзаки адабиётни халқ кунўтказишлигининг мевасигина деб ўйлаш хато. У халқнинг ақли ва виждонидир. У халқнинг собит маънавий кифоаси ва тарихий хотиротидир”.[12.17 ст.]

Ҳақиқатан қадимда халқ топишмоқлари ҳозиргидан ўзгача аҳамиятга эга бўлган. Топишмоқларнинг яратилиши, унинг образлари кўпгина ҳолларда мифология, қадимий, ҳаёт тарзи билан боғлиқ Қадимий, кўп асрлик тарихга эга бўлган халқ топишмоқларининг илдизлари инсоният жамият таракқиётининг илк босқичларига бориб тақалади. Қадимий топишмоқларининг асосида инсоннинг дунёни билишга, табиат сирларини тушунтиришга бўлган интилишлари ётади.

Инсоннинг тиниб-тинчимас ақли момақалдироқ, яшин, ёмғир, юлдузли осмон каби кўплаб нарса ва воқеаликни бадиий образларда тасвирлаган. Равшанки, онгнинг туғилиш тонгида инсоният табиатни бошқарадиган, жамиятни ҳаракатга келтирадиган қонунларни билмас эди. Қадимги кишилар уларни ўраб турган табиатни ҳам инсондай тасаввур қилар, дунёдаги жуда кўп воқеалар ғайритабиий кучлар иродаси билан рўй беради, деб билардилар. Барча ғайритабиий кучлар инсонга душман бўлиб, ёвузлик қилишлари мумкин эди. Одамлар бу руҳлардан ҳалос бўлиш йўлларини ахтарганлар. Шундай йўллардан бири жамоа ҳаётида рўй берадиган ҳамма нарсани сир тутиш, сўз ёрдамида кўринмас билан атамай воқеа ва шахсларнинг асл номини сир тутиб ишора, шаъма, кучим билан сўзлаш одати ўшал қадим

замонлардан келаётган бўлса ажаб эмас. Бизнинг қадимга аجدоддаримиз атрофдаги ҳамма нарса онгли, ақлли ҳаёт кечиради, деб ишонганлари, шунинг учун табиатнинг қарши кучларига фақат сўз билан таъсир қилиш мумкин деб билганлари эҳтимолдан узоқ эмас.

Асрлар ўтаверган, кекса авлодлар ҳаётий муҳим ҳисобланган сирли, шартли нутқларни, билимни ёш авлодга мерос қолдираверган. Аммо аста - секин топишмоқлар ўзининг дастлабки хусусиятларини, содда кўринишларини ўзгартиб, ўзгача характер касб этган. Ўзбек мифлари ва эртакларида кўпинча топишмоқ инсон донолигини синаш воситаси бўлиб келади, унинг ечими оғир дамларда қаҳрамон ҳаётини сақлаб қолади.

Бора-бора топишмоқлар вазифаси ўзгариб, у кўпроқ сўз ўйинининг бадий шаклига айланади. Уларнинг кўнгилхушлик хусусияглари қуйидаги ўзбек топишмоғида шундай ифодаланган:

*Ўйин, ўйин, ўйиним*

*Кўнгил очар тўйиним.*

*(Топишмоқ)*

Юқорида айтилганидек, топишмоқ айтган қадим замонлардан бошлаб турли халқларнинг ҳаёти, ижтимоий шарт-шароитлари, дунёқарашлари, урф одатлари, мифологик тасаввурлари билан боғлиқ бўлган. Туркман халқи орасида Наврўз байрами окшомларида, рус халқида декабрь, январь ойларида, уйғурларда йигим-терим тугаллангач, баҳор бошлангунча топишмоқ айтиш расм бўлган. Ўзбек халқи ҳам бошқа халқлар каби Наврўз окшомларида, куз ва қиш кечалари ғўза чувиш, чарх йигириш, кўрпача тўқиш каби қўл меҳнати билан бажариладиган турли-туман ишлар давомида топишмоқ айтишган. Топишмоқ айтиш қайси бир халқда бўлмасин, у ақл-зийраклик мусобақаси, кўнгил очиш, ўйин кулги воситаси.

Топишмоқларда савол тарзида айтиладиган фикрлар маълум бир бадий шаклга тушган бўлади. Улар ҳудди мақоллар каби ихчам, қўйма, таъсирчан шаклда яратилади. Бадий тафаккур меваси бўлган

топишмоқларда фикр тимсолий йўл билан ифодаланади. Унинг савол жавобини бошқариб туради.

Демак, топишмоқлар оғзаки ижоднинг оммавий ва махсус жараёнларидан бири. Уларнинг услуби метофора (истиора) кўчим, киноя, қочириқ йўли билан сўзларни кўчма маънода ишлатиб, яширилган нарса, ходисаларнинг белгиларини қиёслаш, имо-ишора қисмидан иборат. Топишмоқларнинг шу хусусиятлари ҳақидаги Қадимги Юнон файласуфи Аристотельнинг. «Жуда яхши метафора тузиш йўли», дейиши бежиз эмас.[7. 23 ст.] Топишмоқлар, шунингдек болалар идрокини, зеҳнини ўстиришда ўзига хос тарбия мактаби сифатида яшаб келмоқда Шунинг учун ҳам бўлса керак, ҳозирда ҳам ўзларининг севимли ўйин жойларида, серсоя қайроғоч ёки кекса ёнғоқ дарахти тагида бир-бирига топишмоқ айтаётган болаларни тез-тез учратиш мумкин. Топишмоқчи уни ечаётгандан, агар у топишмоқнинг жавобини топа олмаса арзимас нарсани эмас, балки, унинг шаҳари ёки бутун мамлакатини талаб қилиши ҳуқуқига эга Бундай ҳолларда топишмоқни еча олмаган: «Шаҳар бердим», яъни еягилдим, дейди. Гарчи, бу оддий ўйин бўлсада, мағлуб ўз шаҳрини осонликча бермайди, ғолиб эса, албатта, унинг туғилган шаҳрини талаб қилади. Мана шу шарт топувчини жиддий ўйлашга мажбур қилади.

Топишмоқ айтиш, асосан ёшларнинг, сўз бойлигини ошириш, ҳаёт ва унинг ходисалари ҳақидаги билим тушунчаси, идроки ва мулоҳазаларини кенгайтириш учун зарур тарбия воситаларидан бири бўлганлиги туфайли улар соддадан мураккабга, осонда қийинга бориш усулида яратилган. Топишмоқлар орасида мактаб ёшигача бўлган болалар осонлик билан топа оладиганлари бўлгани каби катта ёшдаги болалар, хатто турмуш тажрибаси кўп кишиларнинг ҳам бошини қотириб, ўйлашга мажбур қиладиганлари ҳам бор. Масалан:

«Отдан баланд, итдан паст»	(эгар)
«Қозиқ устида қор турмас»	(Тухум)

каби топишмоқлар халқ орасида кенг тарқалганлигидан топишмоқ айтилиб бўлинмай, эшитувчилар унинг жавобини топа олади. Аммо, «Узундан узоқ, ҳавога тузоқ» (Тутун) каби топишмоқлар анча ўйлантриб қўяди. Топишмоқни ҳамма каттадан кичик айтади, уни топишга ҳам кўпчилик иштирок этади. Халқ орасида нисбатан кўп топишмоқ биладиган кишилар топишмоқчи, жумбоқчи деб юритилади. Топишмоқларнинг тарбиявий аҳамияти ана шунда. Топишмоқларнинг дунёвий аҳамияти шубҳасиз беқиёсдир.

Тадкикотчи М.А.Рибников таърифича: «Топишмоқлар туркуми маданиятнинг айрим босқичларида-дунёни кўриш, англаш йўлидир». [36 с.т.]

Оғзаки ижоднинг бу, ёқимтой кичик жанрининг тарбиявий ва дидактик имкониятлари ғоят ранг-барангдир. Топишмоқлар халқ ижодига образли сўзга муҳаббат уйғотади, болаларга эстетик завқ бағишлаб, уларни оғзаки шеърят дунёсига олиб киради. Ўзига хос тасвирий санъатнинг, миллий бадий усулларнинг ифодаси бўлиши бу жажжи асарлар ўсиб келаётган авлоднинг маънавий эҳтиёжларига озиқ бўлади. Топишмоқлар жаҳон гўзаллигини кўришни, ҳаёл ва тасаввур қилишни, дунё қувончларидан бахраманд бўлишига ёрдам беради. Топишмоқлар, мақол, маталлар ва бошқа образли сўзлар нутқимизни безайди, унинг ихчамлиги, жарангдорлигини таъминлайди. Эзгуликка чорлаб, инсон учун энг азиз бўлган она тилига, туғилган юртига муҳаббат уйғотади.

Инсоннинг табиат ҳодисаларини кузатиш қобилияти; ҳайвонот дунёсининг турли вақилларини ўрганиши, ўз жисмининг турли қисмларини нарсаларга қиёслаши, ўхшаш тасаввурларни кўша олиш идроки топишмоқларнинг туғилишида, шубҳасиз асосий роль ўйнаган. Шунинг учун ҳам топишмоқларда энг кўп қўлланадиган бадий усуллар - истиора ва қиёслашдир. Улар жуда кўп ҳолларда топишмоқнинг асосини ташқил қилади, зотан «поэтик образни манбалари ана шуларда»лиги бежиз эмас.

Топишмоқларда ифодаланган нарса ва ҳодисаларнинг кенглиги, топишмоқларнинг воқеаликни, ўзига хос бадиий шаклда тасвирлаши билан боғлиқ. Улар қандай яшашни ўргатган. Улар халқнинг маънавий тажрибасини сақлаш воситаларидан бири бўлган. Шунинг учун ҳам топишмоқларнинг мавзулари ғоят ранг-баранг, мазмуни жуда ҳам бой.[34.]

Уларнинг таржимасига келсак, ўзбек таржимашунослигида мақол - матал, ҳикматли сўзлар ва турғун бирикмаларнинг таржимаси ҳақида маълум даражада тадқиқотлар олиб борилган. Бу ерда Ғайбулло Саломовнинг «Тил ва таржима», «Таржима назариясига кириш», «Таржима назарияси асослари» китобларини, М. Содикованинг «Фразеологизмлар таржимаси», деб номланган китобларини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин.

Ажойиб истиоралар, ёрқин қиёслашлар, образли ифодалар билан жилоланган ўзбек топишмоқлари қадимий қуёшли ўзбек ерининг жозибаси ва ўзига хослигини тасвирлабгина қолмай, фольклор асарлари силсиласида улкан эстетик қиммати билан халқ маънавий дунёси тараққиётининг хазинаси сифатида ҳозирда ҳам жамиятимиз яхлит маданий ҳаётининг муҳим тармоғи бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда қадимий ва истеъдодли халқнинг маданияти янада гуллаб яшнади. Аҳолининг барча табақалари фольклор асарларини тўплашга жалб қилинди. Б. Каримов, М. Афзалов, З. Хусаинов каби олимлар ўзбек топишмоқларини ўрганишга салмоқли хисса қўшдилар. Ўзбекистон Фанлар Академияси Адабиёт институти архиви фондида ўзбек топишмоқлари бўйича улкан материал тўпланди.

Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодида миллий поэтика қонунлари ва топишмоқлари талайгина. Ўзга халқларда бўлгани каби ўзбек халқи ижодида ҳам бадиий нутқнинг қиёслаш, истиора, жонлаштириш, сифатлаш каби асосий кўринишлари бир мақсадга поэтик идрок қилишга, воқеаликни поэтик тасвирлашга бўйсундирган. Шунинг учун ҳам халқ топишмоқлари халқ бадиий асарларининг жажжи намуналари саналади. Уларда «бирор нарса асл

воқеаликнинг яширинилган нарса билан ўхшаш томонларига асосланган - бу нарса ўрнини топишмоқ алмаштира оладиган кўчма оладиган кўчма ифодалар» берилади. Шундай қилиб, топишмоқ аниқ нарса ёки воқеалик тушунчасини онгли равишда яширишга, сир *тутишига* асосланган кичик поэтик асардир.

Ўзбек халқи яратган топишмоқлари унинг ижтимоий ҳаёти ва турмушининг барча томонларини қамраб олади. Уларнинг катта қисми деҳқон меҳнати: деҳқончилик, полизчилик, уй юмушлари билан боғлиқ; топишмоқлар ўз қизиқиш доирасига ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, уй хўжалигига оид кўплаб нарсаларни, халқ одатлари ва хислатларини ҳам қамраб олади. Масалан, полиз экинлари ва сабзавотларга оид топишмоқларни мисол тариқасида келтиришингиз мумкин.

Хўппа семиз  
Бир туки йўқ. (Тарвуз)

Узоқдан ялтир юлтир  
Ёнига келсам, қулфи калит. (Тарвуз)

Кўккина кўзин  
Қуванда туриб семиради. (Тарвуз)

Жумбоқ қўйдим, жубин топ,  
Юмалоқ бийнинг отин топ,  
Таги қўйдим, тагин топ,  
Толли бийнинг отин топ. (Тарвуз)

Зар-зар тўни бор,  
Зарбдан паноҳи бор.  
Урди пичоқни,  
Уни не гуноҳи бор? (Қовун)

Бир уйнинг ичида тўрт кўрпача  
Ейиғлик турибди.  
Эшиги ҳам йўқ, тешиги ҳам йўқ.  
Меҳмон келса очилади. (Қовун)

Хилла хилойим бор,

Жанда-кулохим бор. Бошимга урдилар пичок, Менинг не гуноҳим бор?	(Қовун)
Бозордан бир нарса ол, Ҳам ўзинг е, ҳам товуғинг есин, Ҳам молинг есин.	(Қовун)
Бухородан келган фил, Оркасидан тасма тил.	(Қовун)
Оппок, семиз, мойи йўқ Териси қалин, жуни йўқ.	(Ошқовок)
Пишмаганда мазали, Пишганда мазасиз.	(Бодринг)
Майда-майда узунчок Таши кўк, ичида зирачак	(Бодринг)
Қат-қат тўнли, Қарич бўйли.	(Карам)
Ер тагида олтин қозик	(Сабзи)
<i>Қизил</i> қиз ер остида Сочлари ер устида	(Сабзи)
Ияги ерга қараган, Соқоли осмонга қараган.	(Сабзи)
Паст-паст бўйи бор, етти кават тўни бор.	(Пиёз)
Ер тагига қоқилли бачча	(Пиёз)
Ер тагида оқ сочли бой ётар.	(Пиёз)
<i>Қирқ</i> кўйлаги бор, Бир тугмаси йўқ	(Пиёз)
Урмасдан йиғлатар.	(Пиёз)

### Ўсимликлар дунёси.

Оғаси уйда қолар  
Боласи бозор борар. (Мевали дарахт)

Кичкина декча,  
Ичи мазаликча. (Ёнғоқ)

Кичкина тандирча,  
Ичи тўла кулча (Ёнғоқ)

Уёғи тоғ,  
Бу ёғи тоғ,  
Ўртасида сариқ ёғ. (Ёнғоқ)

Усти заҳар, ичи тот,  
Тошнинг ичи асал. (Ёнғоқ)

Пўсти қалин, қовоқдай,  
Бели боғли танобдай,  
Меваси сариқ ёғдай. (Ёнғоқ)

Икки тоғнинг орасида,  
Бир туп янтоқ. (Бодом)

Ўзи кўм-кўк,  
Юнги қип-қизил. (Олма)

Дум-думалоқ бўйи бор,  
Паловда обрўйи бор. (Беҳи)

Осмондан тушди бир тугун,  
Усти бахмал, ичи ун. (Жийда)

Бир онадан юз бола,  
Юзови ҳам бўз бола. (Ток, узум)

Кичкина декча, Ичи тўла михча  
Сариқкина тўни бор. Ичи тўла дони бор. (Анор)

Есть спутник никчёмный у меня, Не оставляет меня одного никогда Гоню его - не могу прогнать, Хпешу его - не могу донять.

(Тень) What goes quicker that the wind and the train?

(An opinion) Бир нафасда олам кезар.

(Фикр) В одно мгновенье вселенную обходит.

(Мысль) Four sister, each one like the other. Two run on if front, and two fellow behind.

(Wheels of a cart) Турт оғайни йўлга чикди, Иккиси олға бораётир, Иккиси оркада бораётир, Орқасида бораётганлари, Олдидагилардан қолмаётир.

(Арава ғилдираклари).

Биз юқорида имкон қадар ўзбек болалар фольклоршунослигининг муҳим қирралари ҳақида тўхталишга ҳаракат қилдик. Шунингдек, ишимизнинг яна бир ахамиятли бўғини бу инглизча санок ўйинларни тадқиқ этиш, уларни уларни ўзбек тилидаги санамалар билан ўхшаш ва ноўхшаш томнларини амалий ва назарий ёритиб беришдир. Инглиз тилидаги санаш ўйинларига эътибор қаратар эканмиз, дарҳақиқат бу ерда фольклор элементларини учратиш бир оз мушкул иш. Сабаби, қатор Европа мамалакатлари сингари Англияда ҳам фольклорга нисбатан биз тасаввур қилгандан кўра анча торроқ доирада тушуниш урф бўлган. Кузатишларимиз шунини тасдиқламоқдаки, фольклор Европада кўпроқ халқ амалий санъатини ифодалайди. Албатта, бу бизнинг назаримизда анчайин ихчамлашган таасурот уйғотади. Бироқ ҳақиқатда ҳам шундай. Дарвоқе, кўп соҳалар каби

маориф ва педагогиканинг прагматикалашуви натижасида халқ ўйинлари жумладан, топишмоқлар ҳам мактабгача таълим муассасаларида ўқув жараёнининг бир қисми сифатида намоён бўлади.

Инглиз тилида топишмоқ ўзининг ихчамлиги ва шўх ўйноқлиги билан ўзбек топишмоқлари билан қандайдир умумийлик ҳосил қилади. Шуни эътиборга олган ҳолда, инглиз тилига ўқитишнинг илк босқичларида, яъни мактабгача таълим масканлари бошланғич, синф ўқувчилари учун қўллаш анча фойдалидир. Худди ўзбек тилида бўлгани каби инглиз топишмоқлар ҳам, болаларга тезда манзур бўлиши шубҳасиздир. Чунки, топишмоқлар барибир у қайси тилда бўлмасин моҳиятан бола дилига яқиндир. Умумийликдан хусусийликка томон юзланадиган бўлсак, бунда кўп ўзига хосликларга дуч келамиз. Айнан инглиз топишмоқлари учун таалуқли жиҳатлардан асосийлари ишимизнинг II бобида батафсил тўхталиб ўтамиз. Лекин шундай бўлса ҳам, баъзи ўта фарқли томонларни шу ернинг ўзида имкон қадар ёритишга ҳаракат қиламиз. Инглизча топишмоқлар тузилиши жиҳатдан анча содда ва тушинарли. Бу жиҳатдан ўзбек топишмоқлари бир оз мураккаброқ. Қолаверса, қофияланиш усули ранг тизимида ҳам инглизча топишмоқларида тафовутлар сезилади. Масалан, айтайлик, қофия учун олинган сўзлар аксар ҳолда фақат рақамдагина иборат бўлиши инглиз топишмоқларида шартли ҳисобланса, ўзбекча топишмоқларида бундай маҳдудлик, чегараланганликни кузатмаймиз. Бу хусусиятлар икки тилдаги топишмоқларнинг илмий томондан фарқланиши эди.

Амалий томондан қаралса, топишмоқ шартли унинг топувчилари каби масалаларда унча катта ўзгаришлар кўзга ташланмайди. Муҳими энди-энди хорижий тил саналган инглиз тилини ўргана бошлаган ёш болакайлар учун бу топишмоқлар олам-олам завқ улашиши, уларда иштиёқ ва ҳаваснинг муҳим туртки бўлиши тадқиқламоқчи бўлганимиз, болалар фольклорининг энг ажиб муштарак жиҳатларидандир. Ёд олишга қулай мухтасарлиги, хотира ва зеҳни чархларини ратсионаллиги, қолаверса бадий-эстетик

гўзаллиги топишмоқларини инглиз тилини ўқитишда қўлланилишини нечоғлик аҳамиятли ҳодиса эканидан далолат этади. Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг таълимга берилган юксак эътибор, “Кадрлар тайёрлаш” миллий дастурининг қабул қилиниши ва хусусан унда мухтарам юртбошимиз томонидан ёш авлоднинг ҳорижий тилларни мукамал ва пухта ўзлаштириши алоҳида эътиборга олинishi ҳам бизни бу ишга қўл уришимизга сабаб бўлди десак муболаға ишлатмаган бўламиз.

“Ҳозирги пайтда ҳорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишга юртимизда ката аҳамият берилмоқда. Бу ҳам албатта бежиз эмас. Кечаги тарихимизда бизнинг ғарб тилларини ўрганишимизда она тилимизга эмас, асосан, рус тили воситачи бўлиб келади. Шунинг ҳисобига ҳозиргача, мисол учун, инглизча-ўзбекча ва ўзбекча-инглизча луғатлар деярли йўқ.

Бундай заиф, ноўрин ҳолатларни тезда ўзгартириш, ўзбек боласига чет тилларининг ажиб дунёсига бемалол кириш учун имкониятларни тўлиқ очиб беришимиз даркор. Мамлакатимизда ҳорижий тилларни ўрганишнинг миллий асосдаги жадаллаштирилган методикасини тайёрлашни жадаллаштиришимиз керак”. [19.34.]

Мазкур, мақсадни амалда тўғри ҳал этиш бизнинг асосий муқимимиздир. Зотан, келажак авлод ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб етишишда ана шу ғоя ва фикрларнинг ўрни беқиёсдир. Умуман ҳорижий тилларни мукамал ва пухта ўзлаштиришга қаратилган чора тадбирларнинг амалий мисоли тариқасида тадқиқ этмоқчи бўлганмиз. Ушбу мавзу юқорида ўта долзарб масалани тўғри ёритишда муҳим қўлланма бўлди деган умиддамиз. Такидлаш лозимки мазкур ишга қўл уришдан аввал биз кўплаб илмий материлларга, хусусан, ўзбек болалар фольклоршунослигига оид манбаларга, инглизча санаш ўйинлар мажмуасига ва бошқа қатор илмий-услубий адабиётларга муурожаат этиб, улардан энг мақбулларини бу иш учун фойдаланишда танлаб олдик. Агар бир оз ноқуслик ва нуқсонлар ишимиздан содир бўлган бўлса, олдиндан узр сўраб ўтамиз. Чунки, илгари бу

ҳақда бирор тажрибага эга бўлинмагани шунингдек, ушбу мавзунинг илмий жиҳатдан янгилигини инобатга олсак, албатта, қайдадир нуқтада янглиши ёки хатолар бўлиши табиий бир ҳол. Фақат мамнуният билан шуни айтишимиз бизга бу борада анча сабоқ мактабини ўтади.

Шундай қилиб, хорижий тилларни ўқитишнинг янги замонавий методикаси ўзининг шакл – шамойили ва мазмуннинг моҳияти билан ўқув муассасаларида хорижий тил ва адабиётни жаҳон андозалари талабларига мос келувчи усуллар асосида ўқитилишини тақоза этади, қолаверса, бундай методика тегишли фанлар бўйича замонавий дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг яратилишини, ўқув жараёнининг замонавий педагогик технологиялар ва замонавий ахборот воситалари билан тўлиқ таъминланишини, уларнинг мунтазам ва самарали қўлланилишини, шу жумладан ўқув жараёнини илмий – услубий асосда ташкил этиш, бошқариш ва эгалланаётган малака ва кўникмаларни мунтазам назорат қилиш ҳамда уларни оқилона, ҳолис баҳолашни ҳам талаб этади.

Бугунги кунда республикамизнинг барча профессор – ўқитувчилари, педагог – методистлари ва тилшунос – олимларининг асосий вазифаси хорижий тиллар ва адабиётини ўқитишнинг миллий хусусиятларимизга асосланган янги методикасини яратишдек масъулиятли ишда айнан шу соҳа ихтисослиги доирасида тавсия этилган ҳар бир фан бўйича замонавий дарсликлар, ўқув қўлланмалари, техник воситалар ва кўргазмали қурооллар мажмуасини яратишда бир ёқадан бош чиқариб, жонбозлик кўрсатиш ва ҳамкорлик қилишдан иборатдир.

Ҳаётимизни мусиқасиз, рақсиз тасаввур этолмаймиз. Тўйларимизда, кечаларимизда, байрамларимизда - улар асосий ўринни эгаллайди. Мусиқа, рақс, ўйин, театр, тасвирий ва амалий санъат, халқ санъатининг бошқа турлари, халқ бадиий фаолиятининг таркибий қисми бўлмиш - халқ оғзаки поэтик ижоди, *ўзига* хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Халқ томонидан оғзаки яратилиб, халқнинг талантли вақиллари ижросида сайқал

топиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бадий асарлар ўзбек халқ поэтик ижодини ташқил этади.

Оғзаки сўз санъати «фольклор» ёки «халқ оғзаки поэтик ижоди» терминлари билан ифодаланади. «Фольклор» термини биринчи марта XIX аср тадқиқодчиси Уильям Томас томонидан 1864 йилда қўлланган бўлиб, у икки сўздан иборат: «фольк (folk) - халқ, «лор» (lore)- билим, донолик, донишмандлик, яъни, «халқ билими», «халқдонишмандлиги» демакдир. [34 ст.]

«Фольклор» - халқаро термин. Лекин у турли мамлакатларда турлича қўлланади. Масалан, Англия ва АКШда халқ бадий фаолиятининг барча тури (поэтик ижод, музыка, ракс, ўйин, театр, тасвирий ва амалий санъат), шунингдек, ирим-сирим, ишонч-эътиқод ва урф-одатлар шу термин билан аталади. Бизда эса «фольклор» деганда, асосан халқ поэтик ижоди тушунилади. Халқ санъатининг бошқа турлари, масалан, музыка учун «музыка фольклори» термини қўлланилади.[67ст.]

Бадий адабиётда бўлганидек, фольклор асарлари ҳам тузилиши ва гоёвий бадий хусусиятларига кўра, ўзаро ўхшаш ҳамда фарқли томонларга эга бўлиб, муайян гуруҳларни ташқил этадилар. Бундай фарқли ва ўхшаш томонларни кўрсатиш учун фанда адабий турлар ва жанрлар ҳаётни бадий тасвирлаш шакли сифатида тарихан шаклланган бўлиб, уларнинг пайдо бўлиши, таракқиёти, ўрин алмашиши ва инқирози адабиёт ва фольклор тарихида етакчи жараён ҳисобланади.

## 2.2. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТОПИШМОҚЛАРИ ТАРЖИМАСИГА ДОИР.

Аслият ва таржима тиллари эгаларидаги экстралингвистик маълумотлар мос келмаслиги турган гап, яъни аслият ва таржима тилларида сўзлашувчи кишиларнинг “дастлабки билимлари” (background knowledge) бир-биридан фарқ қилади. Натижада аслият тили эгаларига очиқ-ойдин тарзда тушунарли бўлган тушунчалар таржима тили эгалари учун тушунарсизроқ ёки умуман тушунарсиз бўлиши мумкин. Таржимон ўз фаолиятида шуни эътибордан четда қолдирмаслиги керакки, таржима аслиятга мос бўлсада, аммо у таржима тили эгалари учун тушунарли бўлмаса, таржимадан кутилган мақсадга эришиб бўлмайди. Шунинг учун прагматик омилни инобатга олиш аслиймонанд таржимага эришишнинг зарурий шarti ҳисобланади. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, таржима қилинадиган материалларнинг ҳаммаси ҳам бир хил даражада прагматик омилни ҳисобга олишни тақазо этмайди. Прагматик ҳолатларни қандай роль ўйнашига кўра лингвистик таржимашунослик назариясида таржима қилинадиган материалларни тўрт гуруҳга бўлиш мумкин: [21.23.] 1) аслият ва таржима тили эгалари талабларини бир хил даражада назарда тутадиган илмий адабиёт. Умуман олганда бундай материални турли тилларда сўзлашувчи кишилар бир хил тушунади, чунки у фаннинг у ёки бу соҳаси мутахассислари учун мўлжалланади; 2) айрим ҳудудга мўлжалланган маҳаллий ахборот материаллари ва айрим бошқа матнлар. Бундай материалларнинг мазмуни ўзга тил китобхони учун маълум маънода қийинчилик туғдирсада, бошқа тилларга камдан-кам ҳолларда таржима қилинади ва уларнинг таржимаси прагматик омилларни ҳисобга олишни унчалик тақазо қилмайди; 3) бадиий адабиёт. Бундай материал биринчи навбатда бадиий адабиёт тилида гаплашувчи кишилар учун мўлжалланган бўлиб, чет тилларга кўп таржима қилинади ва прагматик планда таржимон учун ўзига хос қийинчиликлар келтириб чиқаради; 4)

ташқи сиёсий ташвиқот ва четга экспорт учун мўлжалланган мол-товар реклама материаллари. Бундай материаллар таржимасида прагматик омилларни ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга.

Умуман олганда, таржима қилинадиган материалларнинг юқорида келтирилган конкрет турларини айтиш билан бирга шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, прагматик аспекти ҳисобга олиш эквивалентсиз лексика деб номланадиган атоқли отлар, географик номлар ва турли хил маданий-маиший реалиалар таржимасида муҳим аҳамият касб этади. Масалан, америкага оид Massachusetts, Oklahoma, Virginia, канадияга оид Alberta, Manitoba ёки англияга оид Middlesex, Surrey каби географик номларни ўзга тилга, хусусан, ўзбек тилига таржима қилишда, одатда, *Массачусетс, Оклахома, Вирджиния (или Виргиния) штати, Альберта, Манитоба провинцияси (вилояти), Миддлсекс, Саррей графлиги* сўзларини қўшиш лозим, чунки кўпинча бу номларни нимани англатиши ўзга тил соҳибларига номаълум бўлади. Шундай қилиб, аслиятдаги матнда имплицит (аслият тили эгасига унинг “дастлабки билими” нинг бир қисми сифатида маълум бўлган), яъни таржима тили эгалари учун мавҳум шаклга эга бўлган ахборот таржима тилида эксплицит (аниқ, тушунарли), яъни конкрет тарзда ифодаланади. [20.34.]

Қиёсланг:

"Where you girls from?" I asked her again... "Seattle, **Washington**..." (J. Salinger, *The Catcher in the Rye*, 10)

“Қизлар, қаердан бўласизлар?”, - деб такрор сўрадим. “Сиэтлдан, Вашингтон **штатидан**”.

Таржима тилида сўзлашувчиларга номаълум, аммо аслият тилида сўзлашувчиларга маълум бўлган бу каби маълумотларни ўзида мужассам қиладиган қўшиш таржимадаги одатий тарзда ишлатиладиган услуб бўлиб, ундан кутилган мақсад таржима қилинган матнни таржима тилида сўзлашувчиларга имкон борича тушунарли бўлишига эришишдир.

It was Friday and soon they'd go out and get drunk. (J. Brain, *Room at the Top*)

Жума - **маош бериладиган кун**. Ҳеч қанча вақт ўтар-ўтмас бу одамлар кўчага чиқишиб, кайф-сафо қилишади.

Келтирилган ушбу мисолдан кўриниб турибдики, Англияда маош ҳар ҳафтанинг Жума кунида берилишини ҳар бир инглиз кишиси билади, аммо ҳар қандай ўзбек китобхони ҳам буни билмаслиги мумкин. Шунинг учун, таржимада **маош бериладиган кун** жумласи қўшилган. Демак, таржимада қўшиладиган сўзларга, одатда, аслият тилида сўзлашувчи кишиларга маълум бўлган ахборот таржима тили китобхонига номаълум бўлиши мумкинлиги учун зарурият туғилади.

Бошқа ҳолларда эса, аксинча, прагматик факторни инобатга олиниши таржимада у ёки бу сўзларни тушуриб қолдирилиши билан ифодаланади. [22.34.] Масалан:

...There were pills and medicine all over the place and everything smelled like Vicks' Nose Drops. (J. Salinger, *The Catcher in the Rye*).

...Ҳамма ёқни тумов касалидан дарак берадиган дори-дармон босиб кетган эди.

Ушбу гапда Vicks сўзининг тушуриб қолдирилиши аслиятдаги маълумотнинг маълум даражада йўқотилишига олиб келган бўлсада, ушбу контекстда Vicks сўзи ўзбек китобхони учун сезиларли аҳамият касб этмайди ва шунинг учун у тушуриб қолдирилган.

Таржима амалиётида, эҳтимол, қўшиш ва тушуриб қолдиришдан ҳам кўпроқ таржима тилида сўзлашувчи китобхонга аслиятда бевосита ифодаланмаган, аммо унга озми-кўпми тушунарли бўлган у ёки бу информацияни етказиш усули сифатида алмаштириш методи ҳам ишлатилади. Мисол тариқасида америкалик тарихчи ва журналист У. Ширернинг "The Rise and Fall of the Third Reich" асаридан қуйидаги парчани олайлик:

...The jubilant Prime Minister faced a large crowd that pressed into Downing Street. After listening to shouts of 'Good old Neville'..., Chamberlain spoke a few words from a second-storey window in **Number 10**. (Ch. 12)

Ҳар қандай инглиз кишиси Лондондаги Даунинг-стритда нима жойлашганидан хабардор. Аммо, ўзбек китобхони бу нарсани билмаслиги мумкин. Шунинг учун, ўзбекча таржимада ...*Чемберлен ўз қароргоҳининг иккинчи қаватидаги деразадан туриб бир-икки оғиз гап айтди* деб бериш мақсадга мувофиқ.

Кўпинча бу каби алмаштиришлар умумлаштириш хусусиятига эга бўлади. Бундай ҳолларда аслият тили эгасига тушунарли бўлган конкрет маъноли сўз умумлаштириш услуби ёрдамида таржима тили эгаси учун тушунарлироқ сўз билан алмаштирилади. Масалан:

Вокзалда тушлик қилдик. Раневская қиммат-қиммат овқатларни буюриб, официантларга **бир рублдан** пул узатди. (А. Чехов, Гилос боғи, 1)

We sit down to dinner at a station and she orders, insists on the most expensive things and gives the waiters **double tips**. (tr. by S. Young)

Рус рублининг қиймати қанча эканлигини инглиз ёки америкалик китобхони аниқ билмаслиги мумкин, шунинг учун таржимада аслиятдаги конкрет суммани кўрсатиш ўрнига умумлаштириш услуби қўлланилиши билан прагматик таржимага эришилган.

Атоқли отни (кўпинча фирма номлари) турдош от билан алмаштирилиши билан ҳам умумлаштириш ифодаланилиши мумкин. Масалан:

I could see my mother going in **Spaulding's**... (J. Salinger, *The Catcher in the Rye*, 7)

Онамни **спорт буюмлари дўкони**га киришини тасаввур қилиб кўрдим...

I lit a cigarette and got all dressed and then I packed these two **Gladstones** I have.

Мен сигаретани чекиб олиб, нарсаларимни иккала чамадонимга жойладим.

Прагматик факторни инобатга олишда умумлаштириш билан бир қаторда бу услубнинг тескариси, яъни конкретлаштириш услуби ҳам ишлатилади. Бунда аслиятдаги умумий маънога эга бўлган сўз таржима тилида аслиятдаги ҳодисанинг моҳиятини очиб берадиган торроқ, конкретроқ маъноли сўз билан алмаштирилади. Масалан:

The British people are still profoundly divided on the issue of joining **Europe in 1973** (газетадан)

Ушбу гап берилган контекстда Англиянинг 1973 йилда Европа давлатлари иттифоқига кириши ҳақида гап боради. ушбу контекстда *joining Europe* жумласи қандай маънони англатганлиги ҳар қандай ўзбек китобхони ҳам билмаслиги мумкин. Шунинг учун ушбу гап таржимасида конкретлаштириш услуби қўлланилиши билан прагматик адекватликка эришиш мумкин.

- Инглиз халқида ҳалигача 1973 йилда Англияни Европа “**Умумий бозори**”га кириш масаласи ҳақида турли хил қарашлар мавжуд.

Ва ниҳоят, айрим ҳолларда аслият тилида сўзлашувчи кишилар учун тушунарли, аммо таржима тилидаги китобхон учун камроқ даражада маълум ёки номаълум бўлган ҳодисалар, реалиялар (хос сўзлар) кабиларни тушунтиришда комментарий услубидан фойдаланиш лозим.

Юқорида келтирилган фикрлардан шундай хулосага келиш мумкинки, таржимада прагматик уйғунликка эришиш учун таржимондан аслият матнида ифодаланган ҳар бир ҳолат ва нарсани яхши билишни, яъни чуқур экстралингвистик билимга эга бўлиш талаб қилинади, зеро экстралингвистик факторлар ҳисобга олиш аслиймонанд таржимага эришиш гаровидир.

Биз юқорида имкон қадар ўзбек болалар фольклоршунослигининг муҳим қирралари ҳақида тўхталишга ҳаракат қилдик. Шунингдек, ишимизнинг яна бир ахамиятли бўғини бу инглизча санок ўйинларни тадқиқ этиш, уларни уларни ўзбек тилидаги санамалар билан ўхшаш ва ноўхшаш томнларини амалий ва назарий ёритиб беришдир. Инглиз тилидаги санаш ўйинларига эътибор қаратар эканмиз, дарҳақиқат бу ерда фольклор элементларини учратиш бир оз мушкул иш. Сабаби, қатор Европа мамалакатлари сингари Англияда ҳам фольклорга нисбатан биз тасаввур қилгандан кўра анча торроқ доирада тушуниш урф бўлган. Кузатишларимиз шуни тасдиқламоқдаки, фольклор Европада кўпроқ халқ амалий санъатини ифодалайди. Албатта, бу бизнинг назаримизда анчайин ихчамлашган таасурот уйғотади. Бироқ ҳақиқатда ҳам шундай. Дарвоқе, кўп соҳалар каби маориф ва педагогиканинг прагматикалашуви натижасида халқ ўйинлари жумладан, топишмоқлар ҳам мактабгача таълим муассасаларида ўқув жараёнининг бир қисми сифатида намоён бўлади.

Инглизда топишмоқ ўзининг ихчамлиги ва шўх ўйноқлиги билан ўзбек топишмоқлари билан қандайдир умумийлик ҳосил қилади. Шунини эътиборга олган ҳолда, инглиз тилига ўқитишнинг илк босқичларида, яъни мактабгача таълим масканлари бошланғич, синф ўқувчилари учун қўллаш анча фойдалидир. Ҳудди ўзбек тилида бўлгани каби инглиз топишмоқлар ҳам, болаларга тезда манзур бўлиши шубҳасиздир. Чунки, топишмоқлар барибир у қайси тилда бўлмасин моҳиятан бола дилига яқиндир. Умумийликдан хусусийликка томон юзланадиган бўлсак, бунда кўп ўзига хосликларга дуч келамиз. Айнан инглиз топишмоқлари учун таалуқли жиҳатлардан асосийлари ишимизнинг II бобида батафсил тўхталиб ўтганмиз. Лекин шундай бўлса ҳам, баъзи ўта фарқли томонларни шу ернинг ўзида имкон қадар ёритишга ҳаракат қиламиз. Инглизча топишмоқлар тузилиши жиҳатдан анча содда ва тушинарли. Бу жиҳатдан ўзбек топишмоқлари бир оз мураккаброқ. Қолаверса, қофияланиш усули ранг тизимида ҳам инглизча

топишмоқларида тафовутлар сезилади. Масалан, айтайлик, қофия учун олинган сўзлар аксар ҳолда фақат рақамдагина иборат бўлиши инглиз топишмоқларида шартли ҳисобланса, ўзбекча топишмоқларида бундай маҳдудлик, чегараланганликни кузатмаймиз. Бу хусусиятлар икки тилдаги топишмоқларнинг илмий томондан фарқланиши эди.

Ажойиб истиоралар, ёрқин қиёслашлар, образли ифодалар билан жилоланган ўзбек топишмоқлари қадимий қуёшли ўзбек ерининг жозибаси ва ўзига хослигини тасвирабгина қолмай, фольклор асарлари силсиласида улкан эстетик қиммати билан халқ маънавий дунёси тараққиётининг хазинаси сифатида ҳозирда ҳам жамиятимиз яхлит маданий ҳаётининг муҳим тармоғи бўлиб қолмоқда.

Топишмоқларни таржима қилишда асосан лексик алмаштиришни амлга оширамиз: **Лексик мувофиқликлар.**

Икки тилнинг лексик birlikлари ўртасидаги семантик мувофиқликнинг қуйидаги турлари мавжуд: а) тўла мувофиқлик; б) қисман мувофиқлик; в) тўла номувофиқлик.

### **1) тўла мувофиқлик.**

Тўла мувофиқлик қуйидаги лексик гуруҳларга мансуб бўлган сўзлар ўртасида амалга ошади:

а) атоқли отлар ва географик номлар: Ҳомер –Homer, Москва – Moscow, Польша – Poland.

б) илмий ва техник атамалар, ой номлари, сонлар: логарифм – logarithm, водород - hydrogen, протон- proton, январь - January, миллион – million.

### **2) қисман мувофиқлик.**

Икки тилнинг лексик birlikларидаги энг кенг тарқалган таржимавий мувофиқлик қисман мувофиқлик бўлиб, унда аслият тилидаги бир сўзга таржима тилида бир эмас, бир нечта семантик эквивалентлар ўзбек тилидаги қўл сўзига инглиз тилида **hand** ва **arm**, **оёқ** сўзига инглиз тилида **foot** ва **leg**,

**бармоқ** сўзига эса **finger, thumb** ва **toe** сўзлари тўғри келади. Бундай сўзларни таржима қилишда *конкретлаштириши, умумлаштириши* ёки *прагматик таржима* усулларидадан фойдаланилади.

Қуйидаги жадвалда инглиз ва ўзбек тилларидаги аслият тилидаги бир сўзга таржима тилида бир эмас, бир нечта семантик эквивалентлар тўғри келадиган қисман мувофиқликлар келтирилган.

соат	watch (қўл ёки чўнтак соат) clock (стол, девор ёки минорага қўйиладиган соат)
адёл	blanket (жун ёки пахмоқ) quilt (қовма)
велосипед	bicycle (икки ғилдиракли) tricycle (уч ғилдиракли)
столовая	dining-room (умумий овқатланиш жойи) mess-room (ҳарбий) canteen ( завод ёки муассаса қошидаги) refectory (университет ёки мактаб қошидаги)
cherry	олча аччиқ гилос (анжан гилос) қора гилос (қўқон гилос)
strawberry	ер тут қулупнай
story	повесть ҳикоя
poem	шеър поэма
blue	Кўк

	ҳаво ранг, мовий
to marry	уйланмоқ турмушга чиқмоқ
to wash	ювмоқ (тана аъзоларини ) ювмоқ (кир ювмоқ)

### 3) тўла номувофиқлик.

Икки тил лексикасининг ўзаро муносабатида содир бўлиши мумкин бўлган ҳолат тўла номувофиқлик бўлиб, унда бир тилдаги у ёки бу лексик birlik бошқа тилнинг луғат составида мавжуд бўлмайди. Бундай ҳолатни эквивалентсиз лексика дейилади. Демак, эквивалентсиз лексика деганда бир тилдаги лексик birlikни бошқа тилнинг лексик birlikлари орасида тўла ҳам, қисман ҳам эквивалентларга эга бўлмаслиги тушунилади. Эквивалентсиз лексикага, асосан, сўзларнинг қуйидаги гуруҳлари киради:

а) бошқа тил лексиконида мавжуд бўлмаган *атоқли отлар, географик номлар, муассаса, ташилот, газета, кема* ва бошқа нарсаларнинг номлари;

б) *реалиялар*, яъни бошқа тилда гапирувчи шахслар амалий тажрибасида мавжуд бўлмаган предмет, тушунча ва вазиятни англатувчи сўзлар. Бунга бир миллатга хос бўлган, моддий ва маданий маданиятга тааллуқли бўлган турли хил предметларни, масалан, миллий таомлар, миллий уст-бош ва пойабзаллар, халқ рақслари, халқ оғзаки ижоди турлари ва бошқаларни англатадиган сўзлар киради. .

в) *тасодифий лакуна* (сукут, текстда тушиб қолган, етишмаган жой) деб номланадиган лексик birlikлар. Тасодифий лакуна деганда икки тилнинг бирида қандайдир сабабга кўра бошқа тилнинг лексик составида мавжуд бўлган луғат birlikининг мавжуд эмаслиги тушунилади. Масалан, инглиз ва ўзбек тиллари луғатида рус тилидаги *сутка* сўзининг маъносини берадиган сўз йўқ. Шунинг учун, бу тушунчани инглиз ва ўзбек тилларида тавсифли таржима ёрдамида ё соат сонини кўрсатиш орқали ёки агар иш-

ҳаракат ёки ҳолатнинг узлуксизлиги таъкидланадиган бўлса, *day and night* бирикмаси билан беришга тўғри келади.

He will come in **forty-eight** hours.

He will come in two **days and nights**.

### **2.3. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТОПИШМОҚЛАРИНИ ЎҚИТИШГА ДОИР МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР.**

Болалар фольклори болаларда, энг яхши инсоний фазилатларни – ватанпарварлик, меҳнатга муҳаббат, кишиларга ишонч, дўстларга садоқат туйғуларини тарбиялаб комил шахс тимсолини номоён бўлишида жуда катта кўламдаги ишни бажаради. Турган гап, бу омилларнинг барчасини болалар кайфиятини, дидини, ҳарактерини билмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Шу боис ҳам у характерини муносиб равишда тарбиялаш энг муҳим вазифа саналадики, бу келгуси авлод маънавий қиёфасининг нечоғлик, етуклик даражасини касб этишини белгилаб беради. Шунинг учун айтиш мумкинки, болалар фольклори бола учун илк тарбия дарслиги, маънавий бойликларининг битмас туганмас манбайидир. Болага атаб яратилган оғзаки Поезия халқнинг минг йиллар мобайнида ёш авлодни тарбиялашда хизмат қилиб келган буюк педогогик мезондир. Ўзбек болалар фольклорини тўплашни ташкил қилиш, уни ситемасига солишда профессор Ҳоди Зарифнинг алоҳида ўрни бор. “Ўзбек Фольклори” китобида, юзаки қараганда, болалар фольклорига, ўз ўрин берилган. Аслида эса улар кўп йиллар мобайнида Хоразмдан Намангангача, Тошкентдан Деновгача экспедиция туфайли шаҳарма – шаҳар, қишлоқма-қишлоқ юриб тўпланган бой болалар фольклори материаллар ишидан сақлаб олинган намуналар эди.[5.45.]

Иккала ўзбек фольклори хрестоматсиясининг дунёга келиши фольклорнинг деярли ҳамма жанрларида илмий тадқиқот ишлари бошлаб юборилишига катта туртки бўлди. 20-30 йиллардаёқ, ўзбек болалари фольклорини ёзиб олиш ва илмий нуқтаи назардан ўрганишига катта имкониятлар эшиги очилган эди. [6.3.]

Умумий фольклорининг таркибий қисми бўлган болалар фольклори ҳам турмуш воқелигини сўз, мусиқа, шунингдек, драматик ижро

шакллардаги бадий инекоси, меҳнаткаш халқ дунёқарашини маиший ҳаёт билан боғлиқ ҳолда ўзида акс эттирган колекти халқ ижодидир. Болалар фольклоридаги дидактик-эстетик хусусиятлар куйма ҳолда бир бутунни ташкил этади. У санъатнинг турли-туман айрим элементларидан таркиб топган ўз ижроси билан томошабинлар, эшитиши ва кўриши билан тақазо қилган мураккабликлар эшитиши ва кўришини тақазо қилган мураккаб оғзаки бадий санъатдир. У ёзув адабиётдан айнан шу белгилари орқали фарқ қилади. Фольклор асарнинг “оғзакилиги” фақат унинг тарқалиши учунгина эмас, балки табиий эсталик котигория эканлигидан келиб чиқади. Фольклор умумхалқ санаътнинг турларидан биридир. Бинобарин, у доимий равишда турли санъатлар тасирига учраб туради. Хусусан у адабиёт, мусиқа тасири натижасида ўз шаклини услубини ўзгартириб репертуари бўлиб, мазмунан теранлашиб боради. Умумий халқ ижодидаги бу қонуниятлар ўйин ва кўшиқларга ҳам хос жихатдир.

***Қуйида инглиз тилида топшимоқларни ечишга доир 4 усулни инглиз тилида тавсия этамиз[19.78.]***

***Биринчиси сўзни тахмин қилиб топши машқ:***

### ***Activity 1-Word Prediction***

*(predicting vocabulary from a given topic or riddle, puzzle)*

The teacher writes a topic (for example, “Pollution”) on the board, and students predict the words that would be associated with the topic. This activity could be used either as a pre-reading activity or as a game in itself. In the former, the teacher tells the students that they are going to read a passage on, say, “Pollution” and students are to predict the words that may appear in the passage. The teacher writes the words on the board, occasionally asking the students the reason for their choice of words or for the meaning. Students are then given the passage to check their prediction. As a game in itself, the teacher could give the

students about 30 seconds to one minute (depending on the proficiency of the students) to generate as many words as possible related to the topic given. Students then compare their words in pairs or as a class, explaining or defending their choice of words. An important element in both activities is that students should be encouraged to explain why they have predicted the words. By explaining their choice of words they are not only refining their understanding of the words but also activating other words in the schema related to the words in question, thus “automatising” their knowledge of lexical co-occurrence.

As a variation, students can be given the title or topic of a reading text and an accompanying list of words. The students then go through the list in pairs or as a class, predicting whether each word would appear in the reading text, giving reasons for their choice. An example is given below:

You are going to read a passage on housing styles and climatic conditions. Before reading it, decide which of the following words you would expect to find in the passage. Compare your list with your partner’s, giving reasons for your choice.

materials	shelter
hostile climate	shape
heat	war
dwelling	warm
cold	igloos
drugs	cool
interior	exterior
breezes	positioning
kill	structure
comfort	humid

pollutes

From experience, I find that this activity, besides its value as a pre-reading activity in activating background knowledge and arousing curiosity, also provides opportunity for purposeful discussion of the words. Vocabulary learning here is seen as a means to an end. The students need to define their understanding of the words before they can decide whether or not to rule out the possible occurrence of those words in the passage.

***Иккинчиси берилган топик шомоқни калим сўз орқали топикни машиқи.***

### ***Activity 2-Word Prediction***

*(predicting topic, riddle, puzzle from given vocabulary)*

This activity is a variation of the first one. The teacher writes down some key words related to a topic and students are asked to predict the topic. Students are asked, for example, to predict the topic from the following words:

wild animals	plants
species	disappear
hunters	shoot and trap
kill	lose their habitat
rare animals	laws
scientists	breed
multiply	parks
conservation	nature
natural parks	plant-research stations

After the students have predicted the topic, they can be asked to predict other words related to it. Again, this activity can be used as a pre-reading activity or as a game in itself. Like the first one, this activity helps to activate existing words in the students' schema, thereby reinforcing existing semantic networks and facilitating automatic lexical access. Personal experience also shows that students very naturally refer to the dictionary or consult their peers for the meanings of unfamiliar words.

One possible variation to this activity is to reveal the words one by one on a transparency (or to write them down one by one on the board) and ask the students to guess what the topic could be after each word, revising or improving on their guesses as more words are revealed.

**Учинчиси кераксиз сўзни чиқариб юбориш орқали топишмоқни тоиш машқи.**

### **Activity 3-The Odd Man Out**

This is a frequently used activity in that students have to select the odd word that does not fit into a list, giving reasons for their choice.

*E.g.: house dwelling space shelter*

It should be pointed out that what is important is not so much the “correct” answer but the discussion on the choice of the answers. (Rivers [1981], in fact, suggests that word lists with more than one possible answer be used to stimulate discussion.) The discussion focuses the students' attention not only on the meaning of the words but also on the relationship among them, thereby increasing their knowledge of collocation and lexical range. Flexibility of answers and pair or group work to facilitate discussion are thus crucial aspects of this activity.

**Тўртинчиси бир hafta ёки кейинги машғулотгача топишмоқ бериб жавобини топиш машқи, шунингдек мавзу юзасидан ҳам бажариш мумкин**

#### **Activity 4-Vocabulary Map**

I use this activity as an end-of-unit exercise (each unit could take between one to three weeks) after students have carried out reading, listening, speaking, and writing tasks revolving around a common theme or topic (e.g., “energy”). Students are asked to say aloud any words they can think of or remember related to the topic they have covered in the unit while the instructor writes them on the board. When sufficient words, especially key words related to the topic, have been mentioned, the teacher asks the students to draw a vocabulary map by grouping the words under suitable headings or categories. Students are allowed to add new words not indicated on the board. Again, group work and discussion should be encouraged in this activity. I also find it useful to allow students, as a last resort, to include a “miscellaneous” heading for words that do not seem to “belong” to any category, provided that the list does not become the longest of all! Below are two examples of a vocabulary map prepared by my students working in groups. Note the creative presentation of the first, which is a result of negotiation among the group members.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, топишмоқлар болалар нутқини ва зехнини ривожлантирибгина қолмай, уларнинг тасвирий жиҳатдан билимларини ҳам оширади. Улар топишмоқ топиш орқали топилиши лозим бўлган буюмни шакл ва шамойилини кўз олдига келтирадилар, ўша буюм ҳақида тасаввури кенгаяди. Сўз бойлиги ошишида ҳам топишмоқнинг ўрни бекиёсдир. Юқорида айтиб ўтганимиздек, мавзулаштирилган топишмоқлар доирасида талабаларнинг сўз бойлиги ҳам муттасил ўсиб боради. Биз кўпинча топишмоқ ва жумбоқлардан дарснинг

кириш қисмида болаларни дарсга диққатини жалб қилиб олишда  
фойдаланиш муҳим деб ўйлаймиз.

## ХУЛОСА

Топишмоқлар оғзаки ижоднинг оммавий ва махсус жанрларидан бири. Уларнинг услуби метафора (истиора), кўчим, киноя, қочириқ йўли билан сўзларни кўчма маънода ишлатиб, яширилган нарса, ҳодисаларнинг белгиларни қиёслаш, имо-ишора қилишдан иборат. Топишмоқларнинг шу хусусияти ҳақидаги Қадимги юнон файласуфи Аристотелнинг, «Жуда яхши метафора тузиш йўли», дейиши бежиз эмас. Топишмоқлар ўзида бошқотирма хусусияти борлиги туфайли ҳам мени қизиқтириб қўйди. Ўзбек ва инглиз топишмоқларини атрофлича ўрганиб чиқишга ҳаракат килдим.

Ўзбек халқ ижоди адабиёти ҳақидаги фан ва унинг асосчиси Хожи Зариф мактаби фольклорни ижро этилган, яратилган ерда, янги тарихий шароитда юз берган ҳодисаларни ҳисобга олган ҳолда халқнинг ҳаёти, турмуши билан боғлиқ равишда ўрганиш лозимлигини методологик жиҳатдан асослаб берди.

Ўзбек олимлари, фольклорни, хусусан, эпик асарларни унинг ижрочи ва ижодкорлар билан боғлиқ ҳолда ўрганишнинг методик жиҳатларини ишлаб чиқдилар, бахшининг (куйчининг) ижодкорлик шахсига алоҳида эътибор бериб, оригинал кузатишлар олиб бордилар. Шунинг учун ҳам эпик асарнинг таркалиши ва яшаш шароитлар, куйчи ва унинг тингловчилари, традиция ва импровизация, устоз ва шогирт, дostonчилик мактаблари, версия ва вариация, маълум ижтимоий-иктисодий шароитларнинг конкрет асарга таъсири каби масалаларни ёритишда жиддий ютуқларни қўлга киритдилар.

Фольклор материалларини кенг қўлашга қараб, унинг биринчи даражали масалалар атрофига жалб этиш, ўта синчковлик ва чуқур, илмийлик, таҳлил этилаётган объектларни, тарих, археология, этнография, моддий маданият, тасвирий санъат намуналари билан кенг режада қиёсий ўрганиш, шунингдек, бир томондан, генетик қардош ва қардош бўлмаган халқлар ижодиётига чоғиштириш ҳамда шу тариқа унинг қадимий иддизлари

ва асосларини очишга интилиш бу илмий мактабнинг, бундай текшириш йўлининг характерли хусусиятларидандир. Бу йўл унинг асосчисининг ҳам, бу мактабда таълим олганларнинг ҳам жуда катта изланишлари натижасида, Ўзбек фольклоршунослиги ана шу йўлдан дадил олға бормоқда.

## **Фойдаланилган илмий ва бадиий адабиётлар рўйхати:**

1. Каримов И.А., Баркамол авлод орзуси, Тошкент, 1999 йил.
2. Каримов И.А., Буюк келажак сари, Тошкент, 2003 йил.
3. Каримов И.А., Баркамол авлод тараққиёт пойдевори, Тошкент, 2006 йил.
4. Каримов И.А. нинг 2012 йил 6 декабрдаги нутқи ва №1875 қарори “Инглиз тилини ўрганишни такомиллаштириш чора тадбирлари ҳақида” “Андижоннома” газетаси, №145.
5. Anichkov I. E., Methods of teaching English in secondary schools, Moskov, 1966.
6. Anat Shapira, Reading in phases, Forum issues 49, March, 2007
7. Абдурахимов И. М., Ўзбек топишмоқлари. Т., 1991 йил.
8. Богатырев П. Г., Гусев В. Е., Колесницкая И.М., и др. Русское народное творчество. *Высшая школа*, 1966 год.
9. Forum, English teaching professional, issues 49, march, 2007.
10. Квятский А.П., Поэтический словарь. М, 1966 год.
11. Хусаинов З., Ўзбек топишмоқлари. Т., 1966 йил.
12. Раззоков З. Х., Мирзаев Т., Собиров О., Имомов К., Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Т., 1980 йил.
13. Рыбникова М. А., Загадки. Academia M, 1932 год.
14. Соловьева Т, А., 300 загадок на английском языке для школьников (300 Riddles for school) М, 1963 год.
15. “The World Book Encyclopedia”, USA Press. Volume 15, 1995.
16. “The World Book Encyclopedia”, USA Press. So-Sz Volume 18, 1995.
17. "The World Book Encyclopedia”, USA Press. S-sn Volume 17, 1995.
18. “The World Book Encyclopedia”, USA Press. Q-R Volume 16, 1995.
19. Rogova G.V., Methods of teaching English, Leningrad, 1975,
20. Вопросы теории перевода в зарубежной лингвистике. Сб. статей. М.: 1978.

21. Комиссаров В. Н. Лингвистика перевода. М.: 1980.
22. Комиссаров В. Н. Пособие по переводу с английского языка на русский. М.: 1965. Ч. 1,
23. Интернет сайтлари:  
<http://www.online-literature.com>.  
<http://www.wikipedia.com>.  
<http://www.onestopenglish.com>.